

**КЕНАГАСБЕГИМ (тарихий ҳикоя) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси Шарофат Ашуреванинг “Кенагасбегим”
тарихий ҳикоясини ўқиб**

Дилфузада Халилова

Қадим Кеш. сабза шаҳар,
Гуллар билан безанар.
Маликаси Кенагас
Моҳлар билан бойлар баҳс.
Хусни етти иқлимга,
Бўлиб довруғ овоза,
Совчи қўйиб, харидор,
Борки неча шаҳзода.
Бегим еди нозиктаъб,
Битарди шеър-у ашъор,
Мардлардек феъл-атвори.
Олдида ҳалқ бош эгар....
Шундоқ унинг ёнидан,
Учиб оппоқ кабутар
Минорага интилар
Қадим гўзал лайлаклар.
Водариг шу қушлардек,
Юртда қанот қоқарди,
Килиб чексиз орзулар,
Уммонида оқарди.
Не тонгки босиб ғафлат,
Қонга тўлди кўчалар.
Насруллоҳон лашкари,
Вайрон этди гумбазлар.
Бунинг қадар разолат,
Умрида у кўрмаган,
Зулмин асрлар оша,
Авлодлар кечирмагай.
Маҳобатли Оқсарой,
Зумда бўлди вайрона.
Тўрт ён тўла жасадлар,
Қаср ўт ичра ёнар,
Ҳукмдор илинч ила.
Боқиб таслим қилар жон.
Сўзлар Кенагас қизга,
Сўзида қатъий ишонч.
- Қизим сенсан ҳукмдор,

Сенда ғайрат, ғуур бор,
Ҳукмдорлик узугин
Бармоғингга тақиб ол.
Мен сенга ишонгаймен,
Сен шонларга муносиб,
Қонхўр Амир Насрулло.
Бўлғуси сендан мағлуб,
Узук оримиз рамзи,
Унга соя солса хавф,
Кўзида ажал суви.
Этар уни бартараф,
- Падари бузрукворим,
Шаънимиз бошимда тож,
Қонхўр, бузғунчи амир.
Қаршимда эгажак бош !
Осори атиқалар,
Вайрон булмасдан буткул.
Майли таслим бўлайлик,
Гарчанд унинг аҳди шул.
Кексалик ва хўрликлар,
Жисмингизни букмасин.
Ёруғ юзла бақода,
Падарим, кўришгаймиз!
- Дуо, илтижоларим
Йўлингизни ёритсин.
Сендан илло розиман,
Сен ҳам рози бўл, қизим!
Сўнгги сўзлар ҳавода,
Қолди титраб муаллақ,
Кирди бостириб навкар,
Қасос ! - дея миналҳақ.
Қизнинг нозик қўлларин,
Орқага қайирдилар.
Судрадилар, раҳмсиз,
Юртидан айирдилар.
Қўл-оёқларда занжир,
Уч кундирки туз тотмас,



Оёқлари қонталаш.
Малика писанд этмас,
Нозик қаддин гоз тутиб,
Хазонни бир-бир босиб,
Юрарди майдон аро,
Ўткир нигоҳлар сезиб,
Ногоҳ бошин кўтариб,
Қуёш нурин симирди.
Тўзиб паришон зулфи,
Бегим мардона юрди.
Аммо, баногоҳ, билакс,
Бу кошонада қолмас,
Бунингдек юзқаролик
Авлодига ярашмас.
Кенагаснинг нафратдан,
Вужуди бўлди олов.
Азобланар оғриқдан,
Бўлди занжирлар, тушов.
Ҳафтадирки, қўллари
Сув кўрмаган хўрланган.
Ҳукмдорлик узуги,
Рангсиз эди, кирланган.
Бўйни тўла зебу-зар,
Кўз ўйнатар навкарлар,
Ҳар бирининг қадрига,
Курса бўларди шаҳар.
Қиз ҳарам дарвозаси,
Қаршисида тўхтади.
Минораи Калонга,
Нигоҳларин қадади.
Малика ҳарам сари,
Мардона қадам қўйди.
Вужудда қасос ўти,
Ҳамда қудратни туйди.
Пар билан тўлган ҳаммом,
Руҳиятин илитди.
Саросимада қолиб,
Бир он ўзин унутди.

- Бармоғингизда узук,
Керакмас, ечиб қўйинг.
Унутинг барчасини,
Поклик, роҳатдан-тўйинг.

- Узукни ечолмасмен,
У Шахрисабзнинг рамзи.
Амиримга аталган,

Муҳаббатимнинг рамзи.
- Эшитдим, овозангиз
Эди тилларда достон.
Хушхабарни амирга,
Етказай ўзим шу он.
Маликанинг сўзидан
Беҳад шод эди Амир,
Юзида минг табассум,
Кутарди интиқ, мағрур
Ул малика ҳуснига
Ойлар ҳам эди ҳайрон,
Ошиқ Амир Насрулло
Эди шу “ишққа сulton”
Эшитган шундай хабар.
Кўхна Кеш мударриси,
Маликага харидор.
Йўқотган ақлу ҳушин,
Аммо Амир Насрулло
Ҳукмдор шариф юртга,
Мағлуб бўлмайди асло.
Бир ғариб мударрисга,
Эсанкираб малика.
Қўйди хонага қадам,
Дилда қўрқув, таҳлика.
Лабларин қаттиқ тишлаб,
Қадам босиб беписанд
Амирга қилди таъзим,
Гўё ололмас нафас,
Юраги тўхтаб бир зум.

- Қуллук. қуллук, маликам!
Бизга шафқат этибсиз,
Рухсорингиз кўрсатиб,
Бизни шайдо этибсиз.

- Қуллук бу сўзларингиз,
Бошимга бўлгайдир тож,
Фараҳбахш ҳузурингиз,
Шеърим сизга поёндоз.

- Беҳад шодмен, лутфингиз,
Қалбим қулфига калит.

- Сизла шодман, амириим,
Ғамларим бари унут.

- Журъатингиз таҳсинга,
Сазовордир, маликам,
Гулобдан қуянинг ўзга.
Чоғир тутинг менга ҳам.

- Аёллар қалбан мардни
Тан олгайлар, амирим!
Кувингиз дилдан гардни
Мана гулоб сипқоринг.
- Беҳад этдингиз шодон,
Орзунгиз аён менга
Узугингиз бир шаҳар,
Ўзингиз давлат менга.
- Минг бир куллук, амирим,
Кўрсатиб зўр илтифот.
Мақтовингиз гўёки,
Менга бахш этмиш қанот.
Чоғир хуш ёқиб сизга,
Руҳингиз ёниб гўё,
Ашъор келар тилимга
Пойингиздадир дунё.
- Бекам, бизга аталган,
Узугингизми ҳадя,
Кўнглим сизга тўшалган,
Туринг дунё тургунча.
- Аввал ўзни армуғон,
Этсам эди амирим.
Ундан сўнгра узукни
Сизга нисор айлардим.
Бегимнинг илиқ тафти,
Амирни этиб сархуш,
Кулоғи ичра оқди,
Узугидаги оғу.
Даҳшат ила қичқирди,
Оғриқдан ёниб амир.
Тез ёрдамга чақирди,
Шиддатла учди чоғир.
Тўрт томонга ташланиб
Амир чекарди фарёд.
Аммо фойдасиз эди,
Бари фарёд, оҳ-у, дод.
Бегим қаҳ-қаҳа урап,
Жунуну телбаларча
Насруллоҳ амр этар
- Марги! Чилдух! Ўлгунча!
Узугин ечиб бегим,
Яширди, ичра енгин
Энди унга барибир
Тортганди анча енгил
У жазони кутмади.

Ташларди ўқтам қадам,
Кўттармади дод-фарёд.
Жаллодга сари, илдам.

- Бузрукворим! То ажал,
Душманла курашгаймиз,
Насиб этажак илло,
Маҳшарда кўришгаймиз!
Қуёшнинг заррин нури
Арк узра жилваланар,
Миноралар юзини,
Эркалатиб сийпалар.